



Усмон Ҳақназар
– Бобомурод
Абдулланинг
ёзганлари қанчалик
ҳақиқатлигини
тортишиш
мумкин. Зотан,
Ўзбекистондаги
каби ёпиқ бир
жамият, махфий
бошқарув тизими ва
темир панжаралар
билан ўралган



чақиришган. Ҳукумат
“Эрк” газетасини
ёпиш учун баҳона
қидираётганиди
ва қалам ҳақидан
тузукроқ ва
тополмаганиди.
ИИВ ертўласидаги
сўроқда мен
ҳақиқатан ҳам қалам
ҳақини олганимни
тасдиқлаб, тилхат
ёзиб берганман. Мени

БОБОМУРОДНИНГ МУРОДИ ВА “УСМОН ҲАҚНАЗАР” ҲАҚИҚАТИ

Ҳокимият даврларидан маълумот
сиздиришнинг ўзи бўлмайди.
Бу маълумотлар асосида Усмон
Ҳақназарники каби сиёсий
памфлетлар яратиш учун эса,
иқтидорли журналист бўлишнинг
ўзи етарли эмас.

Кимдир “отнинг калласи”
деган иборани ишлатибди.
Отнинг калласидек юрак ҳам
кифоя қилмайди. Умуман, ҳозир
назаримда, Усмон Ҳақназар ким
бўлса экан, деган савол устида бош
қотирган онглари “Бу Бобомурод
Абдулла” деган жавобдан ларзага
келганича турибди ва келажақда
ҳали бу феноменга кўп муружаат
қилинади.

Терговнинг Бобомурод
Абдуллани фақат 2011 йилдан
кейинги Усмон Ҳақназар сифатида
тақдим этаётгани эса, менимча
расмийлар “Усмон Ҳақназар”
муаммосини қандай ечиш
борасида узил -кесил қарорга
келмаганининг белгиси бўлиши
мумкин.

Дарвоқеъ, сиёсий памфлетлар
дедик. Усмон Ҳақназарнинг
ёзганларини ҳеч иккиланмай,
ўзбек публицистикасида энг
қашшоқ саналган бу жанрнинг
мисли кўрилмаган намуналари
сирасига киритса бўлади. Гарчи
соф фактуал мақолалар ҳам йўқ
эмас. Менинг ўзим текширишлар

натijasида бу мақолалардан
баъзиларидаги алоҳида маълумот
ва эпизодларнинг ҳаққонийлигига
ишонч ҳосил қилганман.

Юнусобод туман
махкамасининг Бобомурод
Абдулла ишига доир аниқлови
Усмон Ҳақназарнинг ёзганларини
амалда давлат сирларига
тенглаштирган. Ҳокимият (унинг
Каримов давридаги каби монолит
эмаслигини таъкидлаш жоиз)
ўзи билибми, билмасданми, “14
йил давомида бизни фoш қилиб
келган одам шу эди, унинг ҳамма
маълумотлари тўғри” демоқда.

Зотан, Каримов даврида
фақат сиёсий буюртмани
бажариб келган адлия ҳеч қачон
адолат тамойилларини амалда
қўлламагани важдан укувсиз
ҳолга ҳам келиб қолган. Шу боис
Усмон Ҳақназар сингари мураккаб
бир кўринишга тўғри юридик
(аслида бу баҳо сиёсий бўлади)
баҳо бериш салоҳиятига эга, деб
ўйламайман. Улар Бобомуродни
ҳам “Усмон Ҳақназарни топиб
берасан”, деб қийноққа солган
бўлса ажабланмайман, чунки
бунинг мисолини ўтмишда
кўрганман...

1993 йилнинг баҳорида “Эрк”
газетасида чоп этилган мақоламга
тўланган қалам ҳақи юзасидан
Ички ишлар вазирлигига сўроққа

сўроқ қилган терговчи қўлимга бир
даста чақирув қоғозини тутқазиб,
“биз бу одамларни тополмаяпмиз,
кўр-чи, ичида танийдиганларинг
бўлса, бериб кўйгин”, – деди.
Повесткаларнинг ичида, не
кўз билан кўрайки, Чўлпон ва
Қодирийнинг номига ёзилганлари
ҳам бор эди. Мен терговчига
“Жулқунбой” бу Қодирий-ку,
“Абдулҳамид Сулаймон ўғли” бу
–Чўлпон” дедим. “Нага Қодирий
бўса, Қодирийман деб ёзмийди
ж...б” дея ўдағайлади отдан тушса
ҳам эгардан тушгиси келмаган
терговчи. Кейин билсам, менгача
ҳам бу одамларни топиб берасан,
деб газета бош муҳаррири
ўринбосарининг қонини ичган
экан. Бу ўша даврнинг энг
зиёли қатлами мақолаларини
чоп эттирган, энг илғор сиёсий
фикр минбари бўлган “Эрк”
газетасини маҳв этиш учун махсус
тайинланган терговчининг савияси
эди...

Аммо бу савия ундан кейинги
йилларда ҳам юксалмади. Орадан
2 йил ўтиб, мен яна, бу сафар
хорижда чоп этилган “Эрк”
газетасидаги мақолаларим учун
сўроқ қилиндим. Мақолаларим
“Эрк” газетида чоп этилганининг
сабаби жуда жўн эди: На мамлакат

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ичкараси ва на ташқарисида “Эрк”дан бошқа ўзбек тилидаги мустақил нашрнинг ўзи йўқ эди.

Хуллас, 1995 йилнинг ёзида 10 кун давомида мени Қаршида, Миллий Хавфсизлик Хизматининг вилоят бошқармасида тергов қилган майор тергов жараёнининг охириги куни столга бир даста папкани қўйди. 10 тача папка эди. “Яна шунақа папкадан 20 та бор. 300-дело бу”, деди терговчи. Бу “Эрк” партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳ ва асосан хориждаги яна қатор сиёсий фаолларга қарши давлат тўнтариши айбловининг тафсилотлари эди.

Терговчининг айтишича, МХХ нинг Тошкентдаги раҳбарияти бу ишни бир детектив қисса қилиб ёзиш керак, деган фикрга келган ва буни негадир менга таклиф қилишаётганди. Китобни ёзган муаллифни олдинда яхши дивидендлар кутиши табиий эди. Мен буюртма детектив қиссани ёзиш таклифини қатъиян рад этдим. Худди шу таклифни ўша куннинг ўзида бошқарма бошлиғи, МХХ полковниги ҳам қилди, аммо мен олдинда баъзи кўнгилсизликлар бўлиши эҳтимолини ҳам кўзга олган ҳолда, яна ўша жавобни бердим.

Тўғри, МХХ дагилар менга ёзсанг ҳам ёзасан, ёзмасанг ҳам ёзасан, қабалида шарт қўйгани ёки очикдан-очик босим ўтказгани йўқ. Гарчи сўроқ жараёнида бир – икки марта “подвалга оп тушамиз, қамаймиз” қабалидаги таҳдидлар бўлган эса-да, кўпинча терговчи мулойимлик ва маданият билан муомала қиларди.

У МХХ ИИБ эмаслигини, ўзларининг савияси баландлиги ва инсон ҳуқуқларидан хабардорликларини таъкидлашни яхши кўрарди. Кейинроқ мен худди шу терговчи сўроқ қилган бошқа дўстларимга нисбатан ҳам шундай муомала бўлганини эшитдим. Лекин мен ва менинг ёш талаба, журналист тенгдошларимга жасорат берган яна бир нарса бор эди. Ўша пайт Каримов АҚШга илк сафар билан борган ва Клинтон билан Оқ уй боғчасидаги ярим расмий

учрашувда мамлакатда сиёсий ислохотлар ўтказиш, муҳолифат билан мулоқот қилишга ваъда берган эди. Мамлакатда сиёсий конъюнктура ўзгараётганининг белгилари бор эди. Мен буни сўроқ жараёнида англагандим.

Яна бир англаганим- ҳукумат, мамлакатдаги энг катта сиёсий ёлғонларни уйдирган ташкилот ҳам бу ёлғонларни дастаклаб туриш учун бир нави ўзининг “Усмон Ҳақназаров”ига эга бўлишни хоҳларди. Аммо бу каби муаллиф пайдо бўлмади чоғи, “давлат тўнтариши” ҳақидаги дело детектив қиссага айланмади. Кейинроқ, 1999 йил портлашларидан кейин ҳам худди шундай муаллиф яратишга уриниш бўлди. Исроилдан келтирилган Олег Якубов февраль портлашларининг “бутун ҳақиқатини очиб ташлади”. Аммо юз минглаб нусхада чоп этилган бу “ҳақиқатлар”нинг эффементи 2003 йилда марҳум Зайниддин Аскарлов Тоштурма деворлари ортида туриб берган бўғик баёнотчалик бўлмади. Чунки у ёлғон эди...

Бугун Бобомурод Абдулла -Усмон Ҳақназарга қарши тўкилаётган айблар, ўқиладжак айбномаларнинг эффементи ҳам Ҳақназаровнинг энг бўш мақоласичалик бўлмайди, деб ишонаман. Аммо Ўзбекистондаги эркин сўз ва матбуот учун бунинг оқибатлари жуда ёмон бўлиши мумкин. Бу айбнома эндигина атрофига қараб, рост сўзни, ҳақиқий воқеъликни мушоҳада қилиб бошлаган, қолиплардан қутулиш учун ўзида журъат сезаётган янги матбуотнинг кўзини кўрkitиб қўйиши, мамлакатни яна ўша, 26 йил давомида уйдирилган ёлғонлар чоҳига қайтадан итариши мумкин.

Ҳозирнинг ўзида бу матбуотнинг энг жасоратли қатлами ҳам “Бобомурод Абдулланинг иши нима бўлар экан”, деб нафасини ичига ютиб ўтирибди. Бу шов-шувли ҳибсга олиш ҳақида ҳали лом-мим дегани йўқ. Таниқли адиб Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон аэропортда 1937-йиллар услубида, қўлига кишан солиб, олиб кетилганида ҳам, то шаҳар милицияси бу шармандали ҳибсни

очикламагунича, мум тишлаб ўтирди.

Бугун зиндонга ташланган Бобомурод Абдулла, ҳақиқат бўғилган, моғор босган бир муҳитда, миллатнинг рост сўз ва тоза нафасга эҳтиёжини ўзи билган йўлда таъмин этиб келган, ўз ҳақиқатларини баралла айтиб келган қалам аҳли, фуқаролик позициясига эга бўлган бир журналистдир. Унинг ёзганлари олий ҳокимиятнинг коридорларида очикча бўлмаса ҳам, пучмоқларида ҳадик ва шивир-шивирлар билан муҳокама қилинганини яхши биламиз.

Ҳатто давлатнинг йирик арбобларидан бири “Усмон Ҳақназар-Россия махсус хизматларининг лойиҳаси” дегани ҳам маълум. Аммо не тонг ва не бахтки (бахтми, бахтсизликми) бу ўзимизнинг Бобомурод бўлиб чиқди. Бугун қаҳрамонлар кўпайиб қолгандир, аммо Бобомурод энг қийин ва зиддиятли даврда жамият ва айниқса, ҳокимиятга ойна тута билди. Журналист ва матбуотнинг асосий вазифаси ҳам шу эмасми?

Бобомуроднинг устидан ўқиладиган ҳукм Каримов давридаги кўпгина маҳкама жараёнлари каби, шунчаки бир томоша бўлмайди. Бу ростмана маҳкама бўлади. Назаримда, собиқ ёки умри тугаб бораётган тузум ўзининг устидан мудҳиш бир ҳукмни ўқишга тайёргарлик кўраётгандек... Ва бу ҳукм табиийки, қораловчи оҳангда бўлади. Худди Усмон Ҳақназар мақолаларининг оҳанги каби. Бу сиёсий кўрликми? Билмадим.

Мен бу жараён сиёсий ҳурликнинг бошланиши бўлишини истардим. Бобомурод орзу қилган ва орзу қилибгина қолмай, жони бадалига қалами билан ҳимоя қилишга уринган сиёсий ҳурриятнинг. Бир вақтлар бир тенгдошим афсус билан “бутун онгли ҳаётимиз Каримов тузумининг ёлғонлари остида ўтибди-я”, деганди. Бунга ҳам 15 йил бўлибди. Бобомуроднинг озодлиги яна бир авлоднинг онгли ҳаёти сиёсий онгсизлик ва шуурсизлик остида ўтиб кетмаслиги учун муҳим...

Паҳлавон Содиқ

“Озодлик” радиосининг хабар беришча, БМТнинг диний эксперти Ўзбекистонга сафари бўйича хулосаларини эълон қилган.

“Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш, жумладан дин ёки этникод эркинлиги асосида бўлиши керак”. Бу БМТнинг дин ва этникод эркинлиги ҳақидаги масалалар бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шохиднинг Ўзбекистонга қилган расмий сафари якунлари бўйича хулосасидир.

Дин ёки этникод эркинлиги масалалари бўйича махсус маърузачи Аҳмад Шохиднинг 11 кунлик сафари якуни бўйича ҳисоботида, шунингдек, “Кўплаб этник ва диний жамоалар биргаликда тинч яшаётган Ўзбекистонда динлар ёки этникодларга таҳдид сифатида қаралмаслиги лозим,” – дейилган.

“Диний экстремизмга қарши кураш дин ёки этникодларнинг хилма-хиллиги, жумладан унинг эркинлигини барқарорлаштириш асосида қурилиши лозим”, дейилган ҳисоботда жумладан.

Унинг сўзларига кўра, ҳукумат амалдаги тартиб-қоидаларни халқаро стандартларга мослаштириш учун жорий ислохотларда дин ёки этникод эркинлиги соҳасига кўпроқ маблағ сарфлаши керак бўлади.

Махсус маърузачи “Зўравонликка, экстремизмнинг олдини олиш ёки унга қарши кураш йўлида дин ёки этникод эркинлиги ҳуқуқи курбон қилинмаслиги керак”, – дея огоҳлантирди Шохид, – Бу мақсад қилинган ҳозирги ислохотларга кенг йўл очиш ўрнига, имкониятларни қискартириб юборади”.

Шохиднинг фикрига кўра, мамлакат Президенти кўзда тутган ислохотлар, агар улар тизимли равишда амалга ошириладиган бўлса, Ўзбекистонни ривожлантиришда катта бурилиш ясаши мумкин. Бироқ унинг таъкидлашича, мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида кўп муаммолар юзага келган ва энди дин ёки этникод эркинлиги ҳуқуқини амалга ошириш учун барқарор ва ошқора саъй-ҳаракатлар талаб қилинади.

У, шунингдек, ҳуқуқий ислохотларга эътибор қилиниши баробарида, ҳукумат инсон ҳуқуқлари соҳасига “амалий” ёндашув, жумладан, институционал



БМТнинг диний эксперти: Мамлакатда виждон, фикр, дин ёки этникод эркинлиги ҳаддан зиёд тартибга солинади

ва давлат сиёсати борасида ислохотлар зарур эканлигини айтиб ўтди.

“Дин ёки этникод эркинлиги, уюшиш эркинлиги, тинч йиғилишлар ва сўз эркинлиги, шунингдек қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва суд ҳокимияти мустақиллигини кафолатлаш учун қулай имкониятлар яратиб берилишини талаб қилади”, дейилган Шохид тайёрлаган ҳисоботда.

“Ўзбекистон – дунёвий давлат эканлигини ҳисобга олсак, мамлакатда виждон, фикр, дин ёки этникод эркинлиги ҳаддан зиёд тартибга солинади. Диний жамоалар фақат рўйхатга олиш асосида фаолият юритиши мумкин ва ҳокимият барча диний ҳаракатларга хушёр туришга мойилдир”.

Махсус маърузачи: “Ўзбекистондаги турли миллат ва элатларнинг ўзаро бирдамликда яшашлари динлараро ҳамжиҳатлик ва жамият фаровонлигини рағбатлантириш, шунингдек, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эркин ифодалаш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади,” – дея давом этди.

“Кишилар дин ҳақида фикр билдиришда ёки этникод амалларини бажаришларида ўзини-ўзи цензура қилишлари шарт эмас”.

Шохиднинг ёшларнинг таълим соҳасидаги айниқса, диний саводхонликни ошириш борасида яхши ташаббуслар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлганини айтди. Шунингдек, унинг таъкидлашича, “диний эркинлик

соҳасида ҳам саводхонликни ошириш ва айна вақтнинг ўзида рағбатлантириш жуда муҳим”.

Шохид ўзининг ташрифи чоғида Тошкент, Фарғона, Бухоро вилоятлари, Нукус шаҳри давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек “Жаслик” жазони ижро этиш колонияси раҳбарлари билан учрашди. Шунингдек, у этник ва диний жамоалар вакиллари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, дипломатик ҳамжамият ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Қорақалпоғистондаги “Жаслик” қамокхонасини ҳам бориб кўрганини ҳам ёзган Шохидга кўра, қамокхона маъмурият у ерда 700 маҳбус сақланаётганини билдирган.

“Мен бир неча маҳбус билан махфий равишда ҳам гаплашишга муваффақ бўлдим. Қамокхона бошлигининг тушунтиришича, маҳбуслар ички тартиб, қоида ва жадвални бузмаса, диний ибодатларни бажаришлари мумкин. Ўзим гувоҳ бўлган нарсдан келиб чиқсак, маҳбуслар, айниқса диний экстремизмда айбланиб қамалганларнинг реабилитацияси учун сезиларли саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Уларнинг айримларига колонияда ўзларини яхши тутганлари ва чин дилдан афсус қилганлари туфайли муддатидан аввал қамокдан чиқиш ёки амнистия бўлиш

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

имкони тақдим этилган. Шунга қарамай, менга айтишларича, уларнинг кўпчилиги 1 йилдан 3 йилгача қўшимча муддатни ўташмоқда. Бунга сабаб ЖКнинг 221-моддаси аломатларини содир этишдир. Айрим ҳолларда қўшиб берилган муддатлар суд тайинлаган муддатдан ҳам ортиб кетган”, – деб ёзган Шохид.

Махсус маърузачи ўзининг маърузалари ва тавсияларинини ўз ичига олган ҳисоботини БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига 2018 йил март ойида тақдим этади.

Маълумот учун: Аҳмад Шохид (Малдив ороллари) – БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши томонидан 2016 йилда Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачи этиб тайинланган. Шохид Буюк Британиядаги Эссекс университетида Инсон ҳуқуқлари маркази директорининг ўринбосари ва Канададаги Раул Валленберг Инсон ҳуқуқлари марказида катта илмий ходим ҳисобланади. У 2005-2007 йиллар ва 2008-2010 йилларда Малдив оролларида ташқи ишлар вазири бўлиб ишлаган. Унинг ҳаракатлари билан мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари ва уларнинг қонун ва амалиётга татбиқ этилиши бўйича жами тўққизта халқаро конвенцияни имзолаш ва ратификация қилиш амалга оширилган. Шохид Эронда инсон ҳуқуқлари ахволи бўйича собиқ Махсус маърузачи ҳисобланади.

Махсус маърузалар Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг махсус тартиблари таркибига киради. Махсус тартиблар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари тизимида мустақил экспертларнинг энг йирик органи бўлиб, у дунёнинг барча ҳудудларига оид вазиятларни ёки махсус мавзудаги масалаларга қаратилган маълумотларни мустақил йиғиш ва назорат қилиш механизмлари кенгашининг умумий номи ҳисобланади. Махсус тартиблар мутахассислари кўнгилли равишда ишлайди; улар БМТ ходимлари эмас ва ўзларининг иши учун маош олмайдилар. Улар ҳар қандай ҳукумат ёки ташкилотга боғлиқ эмас ва ўзларининг шахсий салоҳияти учун фаолият кўрсатади.

ЎХХ хабарлар бўлими



Киевда қўлга олинган журналист Нарзулло Охунжонов қўйиб юборилди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Киевда қўлга олинган ўзбекистонлик журналист Нарзулло Охунжонов 18 октябрь куни ҳибсдан озод қилинган. Бу ҳақда Украинанинг “Оммавий ахборот институти” жамоатчилиги ташкилоти журналистнинг адвокати Алексей Федоров сўзларига таянган ҳолда хабар тарқатди.

“У аллақачон уйда. Уни бугун тушдан кейин озод қилишди, соат 13 ларда биз уни олиб кетдик”, деган адвокат Федоров мижозининг соғлиғи ёмонлашганини қўшимча қилди.

Адвокат Федоров мижози Охунжонов прокуратура қарори билан озод қилинганини билдирган, аммо қўлига ҳали бирор ҳужжат тегмагани учун бу борада қўшимча маълумот бера олмаган.

Назулло Охунжонов 20 сентябрь куни сиёсий бошпана олиш мақсадида Туркиядан Киевга учиб келган пайтда қўлга олинган.

Украина ҳукуматининг билдиришича, Охунжоновнинг ҳибсга олиншига унинг исми-шарифи Интерпол томонидан қидирувга берилган шахслар рўйхатида қайд этилгани сабаб бўлган.

Киевдаги Соломенск туман суди шу йил 25 сентябрь куни

2013 йилдан бери Ўзбекистондан ташқарида яшашга мажбур бўлиб келаётган Н.Охунжоновни тергов якунлангунига қадар 40 кунлик муддатга ҳибсда сақлаш қарорини чиқарган.

27 сентябрь куни қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси баёнот билан чиқиб, Киев расмийларидан Охунжоновни озод қилиш, унинг Украинада қолишига имкон яратиш ва Ўзбекистонга экстрадиция қилмасликни илтимос қилган.

Ўзбек режимини танқид қилиб келган Н.Охунжоновни зудлик билан ҳибсдан озод қилиш чақириғи Freedom House халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотининг шу йил 11 октябрида ёйинланган баёнотида ҳам акс этган.

“Ўзбекистон” радиоканали “Янги жамият” студиясининг Сиёсий, ҳуқуқий ва маърифий эшиттиришлар бўлими собиқ мудирини Назрулло Охунжонов Озодлик радиосининг Ozod-Nazar эшиттиришининг доимий экспертларидан бири қаторида бир неча йиллардан бери Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларга ўз нуқтаи назарини билдириб келар эди.

ЎХХ хабарлар бўлими



Тошкент обод бўлиши учун одамлар ўз уйидан кўчирилмоқда

Би-би-си радиосининг хабар беришича, Лондонда нашр этиладиган “Гардиан” рўзномаси Тошкент марказида барпо этилаётган Tashkent Cityнинг оддий инсонлар ҳаётига таъсирига бағишланган таҳлилий мақола эълон қилган.

“Мен кутида яшашни истамайман”: Одамлар Тошкент обод бўлиши учун ўз уйидан кўчирилмоқда” деб сарлавҳаланган мақоланинг Ўзбек тилидаги таржимаси.

“Гардиан” рўзномасининг EurasiaNet.org мустақил онлайн нашри билан ҳамкорликда тайёрланган мақолада Тошкентнинг “Пахтакор” метро бекати яқинидаги қадимги маҳалла яшовчилари бугунги кунда юзма-юз келган манзара тасвирлаб берилди.

“Абдужалил Азимов стулда ўтириб олиб, радиоприёмнигидан ўзбек эстрада кўшиғини тингламоқда, унинг кўйлари эса кунботар пайти Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри марказидаги майсазорда бемалол ўтлаб юрибди.

Олд тарафда мухташам янги хонадонлардан иборат кўзни қамаштирувчи оқ мрамар уйлар қад ростлаган. Азимовнинг орт тарафида “Олмазор” маҳалласи, унинг бетартиб қуриб ташланган пахса уйлари кўзга ташланади. Бу уйлар бир вақтлар Буюк Ипак йўли манзилларидан бири бўлган Марказий Осиё шаҳрининг кўҳна тарихини гавдалантирадди.

Бу киши заводда ишлаб, 60 ёшида пенсияга чиққан. Отаси, буваси ва катта буваси сингари у ҳам “Олмазор” маҳалласида туғилган. – Катта бувам 1934-йили

106 ёшида қазо қилган, – дейди у гурур билан.

Бироқ ота-боболаридан фарқли равишда Азимовга (бу – унинг тахаллуси, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида исми ўзгартирилди) туғилиб ўсган жойида умрининг охиригача яшаш насиб этмайди: “Олмазор” маҳалласини бузиш режалаштирилмоқда. Умр йўлдоши, фарзандлари ва беш невараси билан яшаётган уйи бошқа юзлаб уйлар қатори бузиб ташланади.

Улар яшаб турган жойда осмонўпар ва кумушранг бинолар қад кўтаради ва уларда бизнес марказлари, ҳашаматли хонадонлар, меҳмонхоналар, офислар ва дам олиш объектлари жойлашади. Ҳукумат шу тариқа Тошкентни халқаро харитадаги кўзга кўринадиган жойлардан бирига айлантирмоқчи”, дейилади мақолада.

“Бир йил олдин диктатор ўтмишдоши Ислом Каримовнинг ўлиmidан сўнг ҳокимиятни эгаллаган Президент Шавкат Мирзиёев эълон қилган Tashkent City деб аталувчи иддаоли лойиха чет эллик сармоядорларни жалб этувчи оҳанрабо вазифасини ўтайди. У Ўзбекистон пойтахтини Марказий Осиё ва бошқа минтақалар учун бизнес марказига айлантириш йўлидаги иқтисодий инқилобга йўл очиб беради”, дейилади “Гардиан” даги мақолада.

“...Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг узок йиллар раҳбарлик қилган Каримовнинг ўлимига қадар пойтахт ғафлат уйқусидаги овлоқ жойга айланиб қолди ва сармоядорлар бу ердан қочадиган бўлди. Бунга совет

услугадаги қолоқ иқтисодий амалиёт ва ҳукуматнинг сармоядорлар активларини тортиб олаётгани сабаб бўлди. Энди Мирзиёев Ўзбекистонга сармоя жалб қилиш учун жозибали мамлакат сифатидаги обрўсини ошириш мақсадида кенг қўламли ислохотларга қўл урди. Тошкент шаҳри ўша режанинг бир бўлагидир”, деб ёзилган мақолада.

“Аксар оилаларнинг қанчадан-қанча авлоди бу ерда яшаб ўтганлар, энди эса улар кўчиши керак. – Тошкент-Сити мана шу маҳаллаларнинг бошидан оёғигача бўлган худудни эгаллайди, – дейди пушти ҳижоб ўраб олган Дилноза Икромова (гарчи ҳаммаси ҳам диний амалларни бажармаса-да, ўзбекларнинг барчаси мусулмон) “маҳалла” сўзига алоҳида урғу берар экан. – Мана шу уйларнинг барчаси бузилади.

Ўзбеклар оила билан маҳаллага қаттиқ боғланганлар, бинобарин, маҳалланинг бузилишини юракларига яқин оладилар. – Бу уят, албатта. Мен умр бўйи шу кўчада яшадим. Уч ака-укам оилалари билан мана шу уйларда яшайди, – дейди у тор кўчани кўрсатар экан. У ерда икки болакай эски бир коптокни тепиб ўйнаётган эканлар. – Мен шу ерда туғилганман, лекин қўлимдан нима ҳам келар эди? Давлат нима деса, шу бў’лади.

Бу аёл ҳам бошқалар сингари давлат идоралари катта оиласини кўчириб, бирор жойдан уй беришидан умидвор, бироқ бу ҳақдаги расмий маълумот жуда кам. Амалдорлар бу ерда қанча одам яшаётганини ҳисоблаб чиқмоқда, аммо туман ҳокимлиги ходими, “бир нарса дейиш кийин”, деб елка қисишдан нарига ўтмайди”, дейилади мақолада.

“Аксар кишилар ўзларига шаҳар чеккасидан хонадонлар таклиф қилинишига ишонадилар, чунки бир неча йил олдин уйлари бузилган кўшниларига шундай хонадонлар таклиф қилинган эди. Икромова замонавий қулай шароитлари бор ва водопровод суви билан таъминланган хонадонга кўчиб ўтишни интиқлик билан кутмоқда, чунки бундай шароит маҳалласидаги уйларда йўқ, лекин бошқа кишилар шаҳар марказидан чеккага кўчишни ҳам, тор хонадонга қамалиб олишни ҳам истамапти.

– Мен кутида яшашни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

истамайман, — дейди Ўзбекистоннинг узундан-узук ёз кунларидан бирида уйи олдидаги чанг кўчани супураётган Нилуфар Орипова. — Мен умрим давомида — 52 йилдан буён “Олмазор” маҳалласида яшайман. Икки-уч кўча нарида туғилганман, эримнинг мана шу уйига келин бўлиб тушганман.

— Маҳалламдан кўчишни истамайман, лекин кўчишга мажбур бўлсак, бизга ҳаммамиз бирга яшайдиган катта ҳовли берилиши керак, — дея кўшимча қилади Орипова. У маҳаллада эри, уч фарзанди ва бир неча невараси билан яшайди. Давлат квартира ўрнига ер таклиф қилиши ҳам мумкин, лекин аҳоли ўша ерда уйни ўз ҳисобидан қуриб олиши керак бўлади.

— Уларга турли вариантлар таклиф қилинади, лекин ҳали бир тўхтамга келингани йўқ, — дейди Тошкент шаҳрига сармояларни жалб қилишга масъул ходим

Баҳром Ризаев. Унинг фикрича, бу ишни режалаштираётган кишилар “ҳаммани қониқтирадиган янги уй-жой билан таъминлаш”га бел боғлаган.

Мирзиёевнинг сармоядорларга барча шароитларни яратиб беришни кўзда тутган ислохотларига қарамай, шу пайтгача Ғарб тадбиркорларининг бу ерга сармоя ётқизиш учун навбатга турганини ҳеч ким кўргани йўқ. Аммо Ризаевнинг айтишича, туркиялик ва хитойлик сармоядорлар Tashkent Cityга қизиқиш билдирмоқдалар ва “рўйхат аста-секин кенгайиб боради.

“Иқтисодиётимизда ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, шу сабабли лойиҳамиз муваффақият қозонишига ишонамиз”, дея кўшимча қилди у.

Tashkent City Ўзбекистон пойтахти қиёфасини, эски маҳаллаларда яшаётган аҳолининг ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартириб юборади. Уларнинг яшаб турган жойидан кўчирилиши шаҳар марказининг обод бўлиши учун тўланадиган тоовон пулидир.

“Олмазор” маҳалласида яшовчи Азимов уйда уч-тўртта кўйни семиртириб сотиш ва кам миқдордаги пенсиясига кўшимча даромад учун уларни кўчада ўтлатишга мажбур. — Квартирага кўчиб ўтсам, бу ишни қила олмай қоламан, — дейди у.

Бирок кўчирилаётган айрим кишилар масаланинг яхши тарафини ҳам кўраётганларини айтадилар. — Биз ё кўчириламиз ёки тоовон пули оламиз, — дейди элликнинг нари-берисидаги, тилла тишлари ялтираб турган Феруза Аҳметова. Оқ сочи дид билан турмақланган бу аёлнинг афт-ангори Ўзбекистонда муайян ижтимоий мақомга эгалигини кўрсатади. — Бу барчамиз учун, Ўзбекистон учун қилинмоқда. Ўзбекистон гуллаб-яшнаса, Тошкент ҳам гуллаб-яшнайдди, деб умид қиламан. Бунинг номини тараққиёт дейдилар”, дейилади “Гардиан” рўзномасидаги мақолада.

ЎХХ хабарлар бўлими

Журналист Бобомурод Абдуллаевнинг онаси, ўғли билан кўришишга рухсат беришини сўраб терговчига ариза билан мурожаат қилган, аммо жавоб олмаган

Ўзбекистон мустақил инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг ташаббускор гуруҳига маълум бўлишича, журналист Бобомурод Абдуллаевнинг онаси, 69 ёшли Мадаминова Гавҳаржон, собиқ мактаб ўқитувчиси ўғли билан кўришишга рухсат беришини сўраб МХХ тергов изолятори терговчиси Н.Д.Тўрақуловга ариза билан мурожаат қилган, аммо жавоб олмаган.

2017 йилнинг 11 октябр куни Гавҳаржон опа давлат адвокати, айбланувчининг ҳимоячиси бўлган Шаҳзод Муродович Шарипов билан учрашган ва ундан ўғлининг саломатлиги ҳақида хабар беришини, шунингдек ўғлини калтаклаш ва қийноққа солишлардан ҳимоя қилишни сўраган.

Давлат адвокати юридик хизматлар кўрсатиш учун тўлдирилмаган «Шартнома» бланкини узатиб, Мадаминов Гавҳаржондан имзоланишни сўраган. Шартнома жуда майда харфлар



билан чоп этилганлиги сабабли Гавҳаржон опа ўқимасдан имзо қўйган ва сўралган 300 минг сўм тўловни пулини берган. Эртаси кун эрталаб Гавҳаржон опа тўлдирилган “Шартнома” нусхасини олиш учун адвокатурага келган ва қутилмаган 150 минг сўм тўлов қилинганлиги ҳақидаги ёзувни кўрган.

Биринчидан: давлат адвокати хизматлари давлат томонидан тўланади ва у ҳимояланувчининг яқинларидан ўх хизмати учун тўлов сўрамадлиги лозим.

Иккинчидан: давлат адвокати ўз ҳимоясидаги Бобомурод Абдуллаевнинг онаси билан учрашганга қадар, бир марта ҳам ҳимоясидаги кишининг аҳволи ҳақида унинг яқинларига хабар

бермаган ҳам, кўнғироқ ҳам қилмаган.

Учинчидан: давлат адвокати Гавҳаржон опага: «... агар хаттоки 50 та адвокат олсангиз ҳам, уларни терговга ҳам судга ҳам киритишмайди...», деган.

Бу билан у, ўзининг ушбу ишда ягона ва алмаштириб бўлмайдиган адвокат эканлигини таъкидлаган.

Ҳозирда Мадаминова Гавҳаржон опа ўз аризаси билан Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевга ва Ўзбекистон Бош прокурорига мурожаат қилган.

(Аризалар ва шартнома нусхалари илова қилинмоқда)

16.10.2017 г

Сурат Икромов

Ўзбекистон мустақил инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг ташаббускор гуруҳи раиси

E-mail: surat.i@rambler.ru, surat-ikramov@gmail.com

facebook.com

Русчадан ЎХХ таҳририяти таржимаси

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, ҳар икки томондан янграган янги айбловлар ва огоҳликлар манзарасида ўтган дам олиш кунларида бу икки қўшни давлат ўртасидаги танглик янада кучайган.

Президент сайлови куни эканига қарамай, Қирғизистоннинг амалдаги раҳбари Алмазбек Атамбаев хос баёнот билан чиққан.

“Агар, Қозоғистон ўзаро чегарадаги чекловларни бекор қилмаса, мамлакати Евросиё Иқтисодий Иттифоқидан чиқиши” билан пўписа қилган.

Қозоғистон Қирғизистон, Россия, Арманистон ва Беларусь билан бирга ушбу иттифоқнинг аъзолари саналишади.

Қирғизистон ва Қозоғистон ўртасидаги муаммолар шу йил 10 октябрь куни бошланган.

Қозоғистон бир тарафлама ўзаро чегарадан ўтиб-қайтиш тартибини кучайтирган, аммо сабабини расман очикламаган.

Орадан санокли соатлар ўтиб, Қирғизистон Давлат Чегара хизмати ҳам ўзларининг кучайтирилган тартибда ишлашга ўтганликларини маълум қилган.

Аммо бунинг сабабини 15 октябрь кунги президент сайлови билан боғлаб тушунтирган.

Қозоғистон томонининг бу каби изоҳсиз саъй-ҳаракатлари манзарасида ўзаро чегарада одамлар, юк машиналари ва бошқа транспорт воситаларининг узундан-узок навбатлари вужудга келган.

Орада Қирғизистон Бош вазири МДХ га аъзо давлатлар раҳбарларининг Сочи йиғини теграсида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевни ўзаро чегарадаги вазиятдан шахсан ўзи бохабар қилгани, қозок раҳбари ҳукуматига барча муаммоларни ҳал этишга буйруқ берганини маълум қилган.

Аммо, Қирғизистондаги мухбирларимизга кўра, қарийб бир ҳафтадирки, ўзаро чегарадаги вазият деярли ўзгаришсиз қолмоқда.

Қирғизистон ҳукумати



Қозоқ-Қирғиз можароси кескинлашмоқда

навбатда туриб қолган фуқароларига ҳар томонлама кўмак кўрсатишда давом этмоқда.

Сабаб ва изоҳлар...

Кеча яқшанба куни Қозоғистон Ахборот ва коммуникация вазирлиги матбуот хизмати ўзига хос изоҳ билан чиққан.

Қозоғистон нега Қирғизистон билан чегарасида тартибни кучайтиргани сабабини Евросиё Иттифоқи қонунчилигида кўзда тутилган талаблар билан тушунтирган.

“Бунинг режа асосида, “соя” импорти кўламини камайтириш учун қилинаётган иш экани”ни айтган.

Бунга жавобан худди ўша куни журналистлар билан учрашуви чоғида Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаев ҳам чегарадаги вазият, Қозоғистон билан муносабатлар ва Евросиё Иттифоқи билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтган.

Агар, Қозоғистон билан чегарадаги вазият шу туришича қолаверса, Қирғизистон Евросиё Иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарларининг муддатидан илгари йиғинини чақиришга ҳақли эканини баён қилган.

Аён бўлишича, орада, Қирғизистон ўшда шу йил май ойида юз берган ер силкиниши ва лой кўчкилари ортидан

ўзи Қозоғистондан сўраган инсонпарварлик ёрдамини ҳам қабул қилмаган.

Қозоғистон эса, яқшанба куни Қирғизистоннинг сут маҳсулотларини тақиқлашини маълум қилган.

Ундан салавал қозоғистонлик сайлов масъуллари яқшанба кунги овоз беришларни кузатиш учун Қирғизистонга режаланган ташрифларини расман бекор қилишган.

Улар ҳам президент Атамбаевни Қозоғистонни “асоссиз айблаш”да танқид қилишган.

Бу икки қўшни давлат ўртасидаги “даханаки” жангга Қирғизистон раҳбарининг шу ой бошида қилган баёноти сабаб бўлган.

Президент Атамбаев қозоғистонлик ҳамкасбини Қирғизистон ички ишлари ва сайловига аралаштишда танқид қилган.

Ўз айбловида Қозоғистон президенти ва мухолиф номзод Ўмурбек Бабанов ўртасидаги биров аввал бўлиб ўтган учрашувга ишора қилган.

Расмий Остона бунга жавобан кескин раддия билан чиққан, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Қирғизистон билан ўзаро чегарасида ўтиб-қайтиш тартибини кучайтиргани кузатилган.

ЎХХ хабарлар бўлими



Давлат адвокати журналист Абдуллаевнинг онасидан пул сўради

Бугун Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича вакилининг офиси томонидан ташкил этилган “Марказий Осиёда очиқ журналистика” дея аталувчи конференцияси бошланади. Ушбу воқеани Ўзбекистон ва халқаро журналистика ҳамжамияти ўртасидаги муносабатларида кўйилган жуда катта қадам, дея эътироф қилса бўлади. Бироқ бутун минтақа учун ноёб бўлган ушбу “матбуот эркинлиги байрами” тошкентлик ҳамкасбимиз Бобомурод Абдуллаевнинг ҳибсга олиниши билан тундлашиб қолди.

Бугун Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича вакилининг офиси томонидан ташкил этилган “Марказий Осиёда очиқ журналистика” дея аталувчи конференцияси бошланади. Деярли ўн беш йил давомида қутилган мазкур воқеани Ўзбекистон ва халқаро журналистика ҳамжамияти ўртасидаги муносабатларида кўйилган жуда катта қадам, дея эътироф қилса бўлади. Бироқ бутун минтақа учун ноёб бўлган ушбу “матбуот эркинлиги байрами” тошкентлик ҳамкасбимиз Бобомурод Абдуллаевнинг ўтган ойнанинг охирида ҳибсга олиниши билан тундлашиб қолди.

Деярли ўн йил давомида журналистика соҳасида унутилиб кетган таниқли журналист Бобомурод Абдуллаевнинг исми бугунги кунда яна баралла янграй бошлади. Бироқ бу ҳолат Бобомуроднинг қалбини илитмаяпти: кўққисдан ҳибсга олиниши ортидан уни “Усмон Ҳақназаров” тахаллуси остида ёзилган ўнлаб мақолаларнинг муаллифлигида айблаб зиндонга

ташладилар, адолатли суд, қариндошлари билан кўришиш ва ҳатто адвокати билан учрашиш имкониятидан маҳрум этдилар. Ўзбекистон тергов органлари уни аксилконституциявий фаолиятда, муҳолифат билан яқин алоқада, ваниҳоят, мамлкатда қўзғолон кўтаришга тайёргарлик кўришда гумонламоқдалар.

Аслида ким ўзи у?

Мақтабни олтин медалга тамомлаган журналист

Абдуллаевнинг ўз қўли билан ёзган резюмеда шундай дейилади.

1973 йилда туғилган. Тўқсонинчи йилда Хоразмда ўрта мактабни олтин медалга тамомлаган. Успирин билимга интилаётгани очиқ ва равшан эди. 1995 йилда дўстлари оддийгина “Боб” деб қақирадиган Бобомурод Тошкент Давлат университети хорижий филология факультетининг рус тили бўлимини аъло баҳоларга битириб филолог-таржимон мутахасслигини эгаллади. Бир йил ўтиб ТошДУ аспирантурасини “Таржима назарияси” мутахасслиги бўйича битирди.

Бироқ унга бу маълумотлар ҳам оз эди. 2001 йилда у Тошкент давлат иқтисод университетининг “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” факультетига ўқишга кирди ва 2004 йилда навбатдаги “қизил диплом” билан бакалаврлик мақомини олди.

Бобомурод 1997 йилдан бошлаб Марказий банкнинг методология бўлимида муҳаррир, Ўзбекистон ва Туркия Бизнесменлари уюшмасида таржимон, кейин яна банкда, ундан кейин эса “Озод Европа/Озодлик” Радиоси ўзбек тили хизматининг Тошкентдаги муҳбири бўлиб ишлади.

Ўзбекистонда 2000-йилларнинг ўрталаригача журналист бўлиб

ишлашга имконият бор эди. Бобомурод “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлигининг халқаро ахборот бўлимида муҳбир, кейин Британиянинг Уруш ва тинчликни ёритиш институтининг (IWPR) муҳбири бўлиб ишлаш бошлади. Уша пайтдаги унинг ҳамкасблари қайд этишларича, у жуда беозор, вазмин сипо ва билимдон инсон, газета сўзининг моҳир устаси сифатида ўзини кўрсата олган.

Журналист – “ички муҳожир”

Андижон қирғинидан сўнг хорижий нашрлар билан ҳамкорлик қилиб келган кўпчилик журналистлар мамлакатни тарк этишга ёки ўз фаолиятини тўхтатиб, бошқа иш билан шуғулланишга мажбур бўлдилар. Бобомурод ҳам иккинчи йўл – “ички муҳожирлик”ни танлади.

“Мен бу ерда кузатув остидаман, – дея ёзади у ушбу сатрлар муаллифига 2008 йилда. – Мамлакатда қолганларнинг ҳаммаси кузатув, назорат остида, бир қадам бўлса тўғри йўлдан оғишсангиз – ўрнида отиласиз. Узим яхши кўрадиган ва англашимча тушунадиган мавзу – футбол ҳақида ёза оламан, холос”. Боб сиёсат тўғрисида бир оғиз ҳам гапирмаган ҳолда фақат футбол ҳақида мақолалар ёзиб маҳаллий нашрларга берарди. Уша йилларда сайтимизда унинг ўзбек спорти ҳақида бир неча янгилик хабарлари ва мақолалари чоп этилган. Шулардан бири, мана бу хабар ҳам.

Футбол Бобомурод ҳаётининг мазмуни – унинг ижоди, тадқиқоти ва таҳлил учун озуқа бўлиб қолди. Тирикчилик Тошкент кўчалари бўйлаб қаергадир шошаётган йўловчиларни арзимаган пул эвазига етказиб қўйиш – эски машинада киракашлик орқасидан бўлиб қолди.

“Фарғона” учун тахаллус остида мақола ёзган журналист

Бобомурод билан биз 2017 йил бошидан бери қайтадан хат ёзиша бошладик. Маълум бўлишича, у “мирзиёев баҳоридан” руҳланган, мамлакатда содир бўлажак ўзгаришларга самимий ишонган ва уларда фаол иштирок этишни мақсад қилиб олган эди. Кўп йиллар давом этган сукутдан сўнг у яна баралла овоз ила гапириш, ёзиш ва ҳатто қўшиқ куйлаш истагини билдирди: бугунги кунда кўпчилик унинг Youtube порталига қўйилган ҳаваскорларга хос, содда, аммо жуда самимий ва юракдан айтилган қўшиқларини биладилар.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Боб менга мақолалар учун бир нечта мавзуларни таклиф қилди, мен хурсанд бўлиб уни қўлладим. Шаклланган таъсавурларга зид ўлароқ "Фарғона" Ўзбекистон ҳақида фақат "қора" рангга буркалган мақолалар ёзиб, мамлакатга мағзава ағдариш билан шуғулланмайди. Биз мамлакатда юзага келган давлат ва жамоатчиликка оид муҳим муаммолар ҳақида ҳикоя қилиб ўзимизнинг журналистик ишларимизни бажармоқдамиз, холос. Бу борада Бобмурод бизга мухбир бўлиш учун жуда муносиб инсон эди.

Унинг профессионал маҳорати, вазиятга тўғри баҳо бера олиш, моҳиятини англаш қобилияти ва қаламининг равонлигига фақат хавас қилиш мумкин. Ута долзарб мавзуга бағишлаб ёзилган мана бу мақола бунга мисол бўла олади. Уша пайтда тошкентлик нуфузли имомлардан бири жамоатчилик диққат-эътибори марказига тушиб қолганди ва биз бу уламнинг портретини яратишдан ўзимизни четлата олмасдик. Боб бизга бунда катта ёрдам берди.

Афсуски, ҳатто "мирзиёев баҳори" илита бошлаган Ўзбекистон каби полициячи давлатда бунақанги матнларни ёзиш иложсиз бўлиб қолмоқда. Бу каби беозор, ҳеч кимни таҳқирламайдиган ва қонунга зид бўлган ҳаракатларга чақирмайдиган мақола учун қамоққа тиқиб қўйишлари ҳеч гап эмас, бироқ халқаро журналистика нуқтаи назаридан олиб қаралса, бу мақола оддий, маъноли ва танқидий характерга эга дея малакаланади.

"У Усмон Ҳақназаров эмас"

Бобмурод доим пухта ўйлаб пишитилган, танқидий, лекин босиқ матнларни ёзарди. Шунинг учун ҳам мен уни Интернетда "Усмон Ҳақназаров" номи остида жойлаштирилган кўплаб мақолаларнинг муаллифи деб ҳисобламайман. Услуг бутунлай бошқача. Лексика ҳам ўзгача. Иборалар оҳанги ҳам бегона, жиззаки.

Ҳа, тергов айни пайтга келиб "Бобмурод-Усмон" ҳақида билдирмоқда, суд ҳам ўзининг ажримда буни қайд этиб ўтди. Бироқ Ўзбекистонда бизнинг тўлиқ ишончимизга муносиб судьялар сони қанча? Қонунни оёқ-ости қилиб одам ўғирлаган, у ҳақда икки кунгача яқинлари ва қариндошларидан ҳеч кимга хабар бермай, кейин бир марта кўрсатиб яна ҳаммадан яшириб, на онасини ва на адвокатларни унга яқинлаштираётган тергов хулосаларига нега ишонимиз

Новости Центральной Азии

Испанский футболист Самуэль Это'О еще не принял окончательного решения о переходе в узбекский клуб

18.07.2008 00:01 тек, Ферган.Ру



«Не думаю, что в чемпионате Узбекистана снизится уровень моей игры. Сегодня футбол везде примерно одинакового уровня, только клубы разные. Думаю, что все будет зависеть от меня самого. Где бы я ни играл, я буду стараться не потерять свой класс, свои физические данные», - сказал форвард испанской «Барселоны» и сборной Камеруна, двадцатисемилетний Самуэль Это'О, отвечая на вопросы узбекских журналистов на пресс-конференции, состоявшейся 17 июля в гостинице «Интерконтиненталь» в Ташкенте.

По словам футболиста, незадолго до вылета в Ташкент он собрал информацию об Узбекистане, о состоянии футбола в республике, о клубах и о национальной сборной. «Думаю, что остальное узнаю здесь, в Ташкенте. Ведь целью моего визита в Узбекистан является ознакомление с футбольным клубом «Курюччи», с его предложениями, возможностями и перспективами», - сказал футболист.

керак?

Беғуноҳ одамларнинг қийноқлар остида ўзлари содир этмаган оғир жиноятларни зиммаларига олган ва мунтазам қийноқлар таъсирида дўстлари, танишлари ва нотаниш кимсаларга йўқ айбларни ағдараётганларини минг бора кўрганмиз. Ўзбекистон Фемидаси сўнги чорак аср давомида фақат битта нарсани яхши ўзлаштириб олган – иқрорлик кўрсатмаларини олиш ва беғуноҳ одамларни қамоққа тиқиш.

Тергов фарзини тасдиқлаган муҳолифат лидери Муҳаммад Солиҳга ҳам бу борада тўлиқ ишонч билдира олмайман. Бу одамга нисбатан ҳурматимга қарамай, унинг сиёсатчи эканлигини унутмаслик керак. Сиёсатчилар ҳаёлида эса доим қандайдир стратегия, тактика, яширин келишувлар, нозик ҳисоб-китоблар айланиб юради...

Бобмурод Абдуллаев токи очик судда ўзини "Усмон Ҳақназаров" матнларининг муаллифи дея тан олмагунича (бу гапларни у босимсиз айтади, дея ишонишимизга асос керак) мен бу гапларга ишонмайман. Ҳақиқий журналист Абдуллаев ёзган мақолалар билан сиёсий публицист "Ҳақназаров" ёзган матнлар ўртасидаги фарқ жуда катта.

Ҳолбуки, Ҳақназаровнинг ўзини ҳам суд қиладиган жиноятлари йўқ. Унинг матнларида аччиқ киноялар, фантазиялар, ҳукмрон доираларга қўйилган хунук ташхислар ҳамда текширилиши имкониятсиз бўлган инсайдерлик ахборот мавжуд. Бироқ уларда ҳеч қанақа давлат сирлари ошкор этилмаган, ҳеч қанақа инқилоб ташвиқоти, конституциявий тузумни ағдаришга чақириқлар йўқ.

Ҳимоя қилиниши шарт бўлган режим қурбони

Бугунги кунда Абдуллаев тўғрисида расмийларнинг сиёсий оппоненти айтган гаплари билан

ҳам, каримов давридаги зўравонлик қолиплари бўйича ҳаракат қилган ҳолда ҳамкасбимга нисбатан расмийларнинг ўзи қўяётган айбловлар билан шахсан менинг ишим йўқ. Мен бор-йўғи ҳеч қанақа асосли далилларсиз жуда оғир жиноятларда айбланаётган ҳалол ва профессионал журналист борасида қайғурмоқдаман, холос.

Шунингдек, мени Тошкентда бугун иш бошлаётган ЕХҲТнинг "очик журналистика" тўғрисидаги Марказий Осиё конференцияси ўйлантирмоқда. Бобмурод Абдуллаевнинг номи бугунги конференцияда албатта эсга олиниши лозим ва унинг номи баланд овозда, баралла янграши керак. Конференцияда иштирок этадиган Ўзбекистон ҳукумати ва парламенти вакиллари куйидаги саволларга албатта жавоб беришлари шарт.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг юқори минбарларидан янграётган либераллаштириш ва қонунчилик кафолатлари тўғрисидаги ваъдаларга қанчалик ишониш мумкин? Мамлакат янги президентининг инсон ҳуқуқлари устиворлиги тўғрисидаги маърузалари нечоғли ҳақиқатга мос келади? Ўзбекистонда эркин сўзлаган ва изҳор этилган эркин фикрлар учун қачонгача жазога тортадилар? Махсус хизматларнинг масъулиятсизлиги, ғайриинсоний ҳаракатлари ва бошбошдоқликлари қачонгача давом этади?..

ЕХҲТ вакиллари, шу жумладан, ОАВ эркинлиги бўйича вакили, ҳурматли Арлем Дезир Ўзбекистон расмийларидан Абдуллаевнинг зудлик билан озод этилишини талаб қилишлари шарт!

Биз ҳам шуни талаб қиламиз. Ва кутамиз.

Даниил Кислов
Манба: "Фарғона" АА

(сўнги воқеалар борасида)

Бир мен эмас, балки мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган кўпчилик, худди мен каби ўзига шу саволларни бераётган бўлса ажабмас: “адолат душманларини шафқатсиз жазолашга ваъда берган мамлакат президенти мамлакатнинг ватанпарвар ўғлини Бобомурод Абдуллаевга қарши ашаддий адолатсизлик ва сурбетларча айбловни кўриб, қандай позицияни эгалламоқчи?”

Ижтимоий тармоқларда Бобомуродни қўллаб-қувватлаш нафақат хорижда, балки мамлакат ичида ҳам соат сайин ортиб бормоқда. Тошкентлик ёзувчи ва журналистлар таниқли публицист Бобомурод Абдулла-Ҳақназаровнинг хибсга олиниши борасида ўз норозилиklarини билдиришмоқда. Унга нисбатан кеча эълон қилинган дастлабки айблов хулосаси эса ўзининг бемаънилиги ва ҳаёсизлиги билан кўпчиликни эсанкиратиб қўйди.

Amnesty International ва Human Rights Watch халқаро ташкилотлари эса Абдуллаев-Ҳақназаровни хибсга олиниши ва унга қарши қўйилган айблов сиёсий эканлиги айтиб, уни дарҳол озод этишга чақирдилар. Кам эмас, кўп эмас дунё бўйлаб 35 та фуқаролик жамияти ташкилотлари журналистни ҳимоясига баёнот билан чиқдилар.

Жуда куп инсонлар Абдуллаев-Ҳақназаровнинг ҳимояси учун имзо йиғиш ва шу каби дастлабчи ишлар билан шуғулланишмоқда.

Аммо президент томонидан бу “иш”га ҳеч қандай муносабат кузатилмаяпти.

Мен умуман, президент Мирзиёев Каримовнинг “дунё ҳамжамияти фикрига тупуриш” аъъанасини давом эттиради деб, ўйламайман. У мамлакатни Каримов режими олиб келган чуқур турғунлик ҳолатидан олиб чиқиш учун, бугун дунё ҳамжамиятининг қўллаб-қувватлаши нақадар муҳим эканлигини тушуниш учун етарли даражада оқил.

У ҳолда гап нимада?

Бу қалтис ҳолат ҳақида икки фикр бор.

Биринчиси: Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) ўз раҳбари Иноятов билан ҳали ҳам қудратли ва у президентга фаолият эркинлигини бермаяпти.

Иккинчиси: Йўқ, бу иккита бош

ролдаги икки актёрнинг ўйини. Биринчи миллат халоскори, адолат курашчиси ролини ўйнаётган бўлса, иккинчиси – унинг душмани ролида. Аммо иккаласининг ҳам мақсади бир: авторитар ҳокимиятнинг кво статусини сақлаб қолган ҳолда, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳеч нарсани ўзгартирмай, эски режимни ислоҳ қилиб, вақтдан ютиш.

Муҳаммад Солиҳ: “Ўз-ўзимга риторик саволлар”

Жамият мана шу икки фикр орасида иккиланмоқда – бориб келиб турибди.

Биринчи вазиятни ҳам, иккинчи вазиятни ҳам тасдиқловчи ҳолатга дуч келмоқдамиз, аммо улар ҳақиқатдан ҳам фақат ҳолат, тенденция эмас. Шу боис, бу мавзуда жамият фикрининг иккиланиши бундан кейин ҳам давом этадиганга ўхшайди.

Реал ҳаётда МХХ (Иноятов) долзарб масалалар бўйича қарор қабул қилишда президентдан кўра фаолроқ.

Публицистга қарши ишни МХХ кўзгатди, уни МХХ қўлга олди, ММХ тергов қилмоқда, МХХ қийноққа тутмоқда, МХХ “хулоса” қилмоқда, МХХ айблов ёзиб, матбуотга бу ҳақда маълумотни ҳам МХХ бермоқда.

Ва шубҳа йўқки бу “иш” МХХ (Иноятов) кўраётган шаклда хулосаланади.

Энди, Юнусобод туман судининг шундай номланувчи “Аниқловчи”дан сўнг, кўз ўнгимизда “Абдуллаев-Ҳақназаров иши” бўйича, МХХ (Иноятов) кўзлаган икки мақсад шаклланаёпти: биринчиси – тактик, иккинчиси – стратегик.

Тактик мақсад – бир зарба билан Иноятовчиларни фош қилиб келган Ҳақназаров-Абдуллаевни йўқ қилиш.

Стратегик мақсад – аҳолининг ўзгача фикрловчи, сиёсий ва диний муҳолифати билан ҳукумат ўртасида бошланган муносабатлардаги илиқлашув жараёнини тўхтатиш. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат ичида мустақил лидер, хорижда эса ислохотчи лидер сифатидаги образини тушириш.

МХХ биринчи мақсадига

эришди.

Иноятовчиларнинг ашаддий душмани Ҳақназаров Иноятовнинг қўлида. Биз Тошкентдан тергов остидаги инсон ҳақида кўрқинчли хабарларни олмоқдамиз: қийноқлар натижасида у ҳаттоки ҳожатхонага ҳам боролмайдиган ҳолатда, ҳожатини ётган ерига қилмоқда... Айнан шунинг учун Иноятов унинг олдида МХХнинг қийноққа солувчи

ҳайвонларидан бошқа кимсани киритмаяпти. Айнан шунинг учун Абдуллаев-Ҳақназаровни мана 13 кундирки адвокатсиз сўроқ қилишмоқда.

Иноятовчилар, Ҳақназаров иши бўйича дастлабки айбловга менинг исмиمنى (Муҳаммад Солиҳ) қўшиш билан иккинчи мақсад учун ҳам бир неча қадам қўйди. Чунки Иноятовчилар сиёсий муҳолифатнинг ватанга қайтишидан жуда ҳам кўрқишади.

Чунки Иноятовчи қотиллар, полковник Маҳмуд Худойбердиев отряди бошчилигида, 2005 йилнинг 13 май кунги Андижон қирғинини уюштиришган. (М.Худойбердиевнинг вилласи, Иноятовнинг собиқ ўнг қўли, яқинда давлат мулкани ўғирлаш ва наркобаронликда айбланиб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган Шуҳрат Ғуломовнинг вилласи билан ёнма-ён жойлашган). МХХнинг даҳшатли машҳур ертўласида Иноятовчилар жуда кўп диний лидерларни қийноқларга солиб, ўлдирдилар. Қўплаб одамлар, уларнинг уйларига МХХ ташрифидан сўнг бедарак йўқолдилар.

Шундай инсонлардан сўнггиси – интернет сайтларида “Абдуллоҳ Нусрат” таҳаллуси остида мақолалар ёзиб келган ёш олим Ақром Маликов (1990) 2016 йилнинг 29 июлида МХХ ходимлари тарафидан ўғирлаб кетилди ва бугунгача қаерда эканлигидан дарак йўқ...

Агар муҳолифат ватанга қайтса, албатта ҳукуматдан барча қотилларни қонун доирасида жазога тортишини талаб қилади. Иноятов мана шундан кўрқайди.

Муҳаммад Солиҳ
(давоми бор)

Ўшда журналист Алишер Соиповни хотирлаш маросими бўлиб ўтди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида 24 октябрь куни бундан 10 йил муқаддам отиб кетилган таниқли журналист Алишер Соиповнинг хотирлаш маросими бўлиб ўтган.

Журналист яшаган хонадонда бўлиб ўтган маросимда унинг собиқ ҳамкасблари, инсон ҳуқуқлари фаоллари ва яқинлари иштирок этди.

Алишер Соипов яшаган уйнинг бир хонаси хотира музейига айлантирилди.

Хона музейидан журналистнинг шахсий ашёлари ва иш куроллари ўрин олган.

Алишер Соиповнинг укаси Шохрух йиғилганларга марҳум номини абадийлаштириш мақсадида қирғизистонлик ёш журналистлар учун мукофот таъсис режалари борлигини айтди.

Маросимда Алишер Соипов асос солган “Сиёсат” газетасининг журналист ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус сони тарқатилди.

26 ёшли Алишер Соипов 2007 йилнинг 24 октябрь куни Ўшдаги Масалиев кўчасида отиб кетилганди.

Журналистнинг қотиллари ҳалигача топилмаган.

Алишер Соипов Америка Овози,

Озодлик, ВВС, Машҳад радиолари, “Фарғона.Ру” ахборот агентлиги билан ҳамкорлик қилиб, Фарғона водийсидаги сиёсий, диний, хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари мавзусидаги воқеаларни ёритиб келган.

25 ёшида у “Сиёсат” ҳафталик газетасини таъсис этганди.

Қирғизистон жанубида тарқатилган бу газетанинг Ўзбекистонда ҳам муштарийлари бор эди.

Таҳлилчилар Алишернинг ўлимини унинг касбий фаолияти билан боғлашади.

Буюртма қотиллик изи қўшни Ўзбекистонга бориб тақалиши мумкинлигини Қирғизистон ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам рад этган эмас.

ЎХХ хабарлар бўлими

АҚШдаги нуфузли The New York Times газетаси 25 октябрь куни эълон қилган мақола шундай номланади. Нашрнинг бевосита Ўзбекистонга сафар қилган мухбири Andrew Kramer дунёда энг узоқ қамоқда ўтирган журналист деб эътироф этилган Муҳаммад Бекжон тақдири мисолида Ислон Каримов ўлиmidан сўнг мамлакатда бошланган “музларнинг эриши” жараёнини тасвирлашга уринган.

Урганчга бориб, умрининг 18 йилини қамоқда ўтказган Муҳаммад Бекжон билан суҳбатлашган АҚШ журналисти, “президент Каримовни ҳақорат қилганлик”да айбланган собиқ сиёсий маҳкумнинг озодликка чиқишини Каримов ўлиmidан кейин бошланган “ўзбек баҳори” билан боғлайди.

“Жорий йил давомидан секин-аста шакллана бошлаган “эриш” оқибатида аҳоли устидан ўрнатилган сиёсий назорат сал юмшади ва босқичма-босқич сиёсий ўзгаришлар кўлами синовдан ўтмоқда”, деб ёзади АҚШ нашри.

Муҳаммад Бекжоннинг бу жараёнга умид билан қараётганини қайд эта туриб муаллиф, ҳукумат маҳаллий кенгашлар ваколатини кенгайтиргани, инсон ҳақлари кузатувчилари билан учрашгани, талабаларни пахта териш мажбуриятдан озод қилгани ва матбуот устидан назоратни юмшатиб, айрим жонли

НҲТ: Яқинларгача ёпиқ ва репрессив бўлган Ўзбекистон дунёга очилмоқда!

ток-шоуларга изн берганини Каримовдан қолган “музларнинг эриши”га мисол ўлароқ келтиради.

Собиқ иттифокнинг аҳоли сони бўйича учинчи йирик давлати Ўзбекистон, Каримов даврида репрессия ва қашшоқликнинг “қора ўпқони” сифатида кўрилганини таъкидлай туриб The New York Times мухбири, мамлакатдаги бу ўзгаришлар тепасида 13 йил Каримовга бош вазирлик қилган Шавкат Мирзиёев тургани аксар сиёсий шарҳловчиларни ҳайрон қолдирганини эътироф этади.

“Бу – умид онлари. Асосий савол бу ўзгаришларнинг қанчалик структуравий ва давомли бўлишидир”, дейди АҚШ нашри суҳбатлашган Human Rights Watch таҳлилчиси Стив Свердлов.

Айни пайтда муаллиф, Ўзбекистонда бошланган “очириш”нинг айримлар томонидан либерализм томон ёлшондакам ҳаракат ва мамлакатнинг асосий экспорт маҳсулоти бўлган пахтага жорий этилган савдо чекловлари олиб ташланиши учун ўйлаб топилган алдов сифатида кўрилатганини ҳам таъкидлайди.

“Иқтисодий муаммолар Мирзиёевни Каримов системасини нозиклик билан бузиш лозимлиги фикрига олиб келди. Улар сиёсий соҳани очмасдан фақат

иктисодни хориж сармоясини келиши учун лозим даражада очишни ўйлаётган бўлиши мумкин”, дейди The New York Times мухбири гаплашган Жорж Вашингтон университетининг халқаро муносабатлар бўйича профессори Sean R. Roberts.

Мақолада, Ўзбекистоннинг ташқи дунё, хусусан, ўз қўшниларига очилиши минтақавий муносабатларда ҳам ўзгаришлар қилиши айтилади.

Сув ва чегара борасидаги келишмовчиликларнинг можароларсиз ҳал этилиши, ўзаро савдонинг кенгайиши, нафақат Ўзбекистон, балки қўшни давлатлар тараққиёти учун ҳам муҳимлигини таъкидлаган муаллиф, келаси ой 2001 йилги АҚШ ишғолидан бери биринчи марта Афғонистон президентининг Ўзбекистонга келиши кутилаётганини минтақавий алоқалардаги ўзгариш намунаси сифатида тақдим этади.

Валютаэркинконвертациясидаги чекловлардан айримларининг олиб ташлангани, замонавий ислом, маърифатли ислом ғояларига миллий тус берилаётганини қайд этган АҚШ нашри, айни пайтда, мустақил ноҳукумат ташкилотлари ёки сиёсий партияларга йўл берилмаётганини таъкидлайди.

Манба: “Озодлик” радиоси

“ О з о д л и к ”
радиосининг хабар
беришича, келаси ҳафта
Ўзбекистонга бориб,
катта миқдордаги
коррупция ва пул ювиш
иши фигурантлари,
хусусан Гулнора
Каримова билан
юзма-юз гаплашишни
р е ж а л а ш т и р г а н
Швейцария терговчилари



томонидан мусодара
қилинмай туриб, камида
уч давлат – Ўзбекистон,
АҚШ ва Ҳолландия
тортишаётгани, айти
пайтда, Швейцария ва
Швеция ҳам бу пуллардан
у ёки бу шаклда улуш
олишни кўзлаётганини
ёзган эди.

Ш в е й ц а р и я л и к
т е р г о в ч и л а р н и н г

ТОШКЕНТ ШВЕЙЦАРИЯ ТЕРГОВ ГУРУҲИГА ГУЛНОРА КАРИМОВА УСТИДАН СУД КЕТАЁТГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

сафари номаълум муддатга
қолдирилди.

Жараёнга алоқадор
мулозимнинг “Озодлик” радиосига
билдиришича, сафарнинг
қолдирилишига Ўзбекистон томони
берган расмий жавоб сабаб бўлган.

Тошкентнинг жавобиди,
Швейцария прокуратураси
вакиллари боришни режаллаган
айни кунларда ишнинг асосий
фигуранти Гулнора Каримова
устидан Тошкентда ҳам суд
мажлиси белгилангани боис, у
билан швейцарияликларнинг
учраша олмаслиги айтилган.

Швейцарияда 2012 йил июлида
очилган жиноий иш доирасида олти
Ўзбекистон фуқароси – Гулнора
Каримова, Бехзод Аҳмедов, Рустам
Мадумаров, Гаяне Авакян, Алишер
Эргашев ва Шоҳруҳ Собировлар
катта миқдордаги коррупцияга
алоқадор пул ювиш жиноятларида
гумонланмоқда.

Бу шахслар номига
Швейцариянинг Lombart Odi-
er банкда очилган ҳисоб
рақамларидаги 800 миллион
АҚШ долларидан кўпроқ маблағ,
мазкур тергов доирасида музлатиб
қўйилган.

Келаси ҳафта Тошкентга
боришни режаллаган Швейцария
федерал прокурори Патрик Ламон
бошчилигидаги тергов гуруҳи
Ўзбекистон ҳукуматидан мазкур
иш доирасида гумонланувчилар,
хусусан, Гулнора Каримова билан
юзма-юз сўроқ-жавоб қилиш
имкони берилишини сўраган.

Аммо вазиятдан хабардор
швейцариялик мулозимга кўра,
Тошкентдан берилган жавоб,
бу сафарни қолдиришга мажбур
қилган.

“Хат қисқагина. Унда делегация
Тошкентга боришни режаллаган

кунларда Каримова билан
учрашишнинг иложи йўқлиги,
унинг суд эшитувларида бўлиши
айтилган. Бошқа ҳеч қандай
тафсилот йўқ. Қанақа суд, қаерда
бўлади, Каримова ўзи қаерда
сақланмоқда – булар ҳақида лом-
мим дейилмаган”, дейди расмий
жавобни ўзи кўрганини айтган
“Озодлик” радиоси суҳбатдоши.

Швейцария Бош прокуратураси
матбуот хизмати режаланган
сафар тафсилотларига оид
“Озодлик” радиосининг 27 октябрь
куни йўллаган саволига, “Бош
прокуратурадан ҳеч ким келаси
ҳафта Ўзбекистонга кетмаётганини
маълум қиламан”, деган қисқа
жавоб йўллади.

Гулнора Каримова ва қолган беш
ўзбекистонлик устидан очилган
жиноий иш жараёнини яқиндан
кузатаётган Швейцариядаги етакчи
Le Temps газетаси муҳбири Sylvain
Besson швейцариялик терговчилар
ишни судга оширишни тезлатиш
мақсадида Тошкентга сафар
қилишни режаллаганини айтди:

– Швейцариядан 5-6 прокурор ва
адвокат бир йилча олдин Тошкентга
борган эди. Патрик Ламон
бошчилигидаги бу гуруҳ билан
Гулнора Каримовага Швейцария
томонидан адвокатлик қилаётган
Gregoire Mangeat ҳам борган ва
Каримова билан учрашган эди.
Улар келаси ҳафта Тошкентга
боришни режаллаган эди. Мақсад,
менинг манбаларимга кўра, ишни
судга ошириш учун лозим сўнги
кўрсатмаларга фигурантларнинг
имзосини қўйдириш бўлган, дейди
Sylvain Besson.

Besson 19 октябрь куни терговга
яқин манбаларига таяниб туриб,
асл эгаси Гулнора Каримова
эгани айтилаётган 800 миллион
доллар устида, ҳали бу пуллар суд

номаълум муддатга қолдирилган
сафари ана шу пулларнинг
реституциясига ҳам бевосита
алоқадор эди, дейди Besson:

– Мен бу сафарнинг музлатилган
пуллар реституциясига бевосита
боғлиқлигини тахмин қилаётган
эдим. Менимча, прокурорлар
иш юзасидан айблов хулосасини
тугатай, деб қолган ва улар суддан
бу пулларни мусодара қилишни
сўрашга ҳозирланмоқда. Пулларни
мусодара қилиш учун суднинг
ҳукми ва тамғаси керак, холос.
Агар айбланаётганлар қўйилаётган
айбни бўйнига олса ва тегишли
кўрсатмаларга қўл қўйиб берса,
бу жиҳат судда прокуратура
сўровининг тезгина қондирилиши
ва суднинг айбланувчиларга
сиртдан ҳукм чиқаришига асос
беради. Агарда, айбланувчилар,
йўқ, мен айбни бўйнимга олмайман,
ҳақиқий, очиқ суд бўлишини талаб
қиламан, деб туриб олса, жараён
мураккаблашади ва жуда узоққа
чўзилади. Менимча, прокурор
Ламон, Тошкентга ана шу ниятда
кетаётган эди, дейди Besson.

“Озодлик” радиосига
маълум бўлишича, Швейцария
терговчилари ўтган йилги
сафари давомида Ўзбекистонда
қамоқ ёки ҳибсда сақланаётган
Бехзод Аҳмедов (Аҳмедов 2012
йилдан бери Россияда яширин
яшаб юрибди – таҳр.) дан бошқа
бешала айбланувчи билан сўроқ-
жавоб қилган ва улардан тўрттаси
қўйилаётган айбларни бўйнига
олган.

Фақат битта айбланувчи –
Гулнора Каримовагина қўйилаётган
айбларни тан олмаган ва “Озодлик”
радиоси гаплашган швейцариялик
мулозим, расмий Тошкентнинг

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

швейцариялик терговчилари ва адвокатнинг келаси ҳафта Каримова билан учрашишига рухсат бермаганининг Каримованинг ишни чигаллаштиришидан чўчиётгани билан изоҳлашга уринди.

“Тўртгала айбланувчи, айбни бўйнига олиш орқали, Ўзбекистон қамоғидан тезроқ чиқиши мумкин. Лекин Гулнора – бошқа масала. У мени Ўзбекистонда адолатсиз суд қилишди, Швейцарияга олиб кетиб, у ерда очик суд қилинг, деб талаб қилиши мумкин. Гулнорани Швейцарияга чиқаришга Тошкент рози бўлмайди, жуда кўп одамларни, хусусан, ҳозирги ҳукумат тепасидагиларни ҳам фош қилиши мумкин. Унинг бу талабини рад этиш эса, айбланувчи ҳуқуқларини бузиш бўлади. Шундай вазиятда Гулнорани етти қават қулф остида ушлаб туриш,

иккала томон манфаатига ҳам мос келиши мумкин”, дейди суҳбатдош.

Швейцариядаги терговга алоқадор шахсларнинг “Озодлик” радиосига айтишича, терговчи ҳам, унга адвокатлик қилаётган Gregoire Mangeat ҳам ўтган бир йил давомида Каримова билан кўришиш ёки телефон ва электрон почта орқали гаплашишга муваффақ бўлмаган.

“Очиғи, унинг ўлик-тиригини ҳам ҳеч ким билайди”, дейди “Озодлик” радиоси суҳбатлашган мулозим.

Ўзбекистон Бош прокуратураси жорий йилнинг 28 июль куни “Г.Каримовага нисбатан жиноят ишлари юзасидан хабар” тарқатган ва унда Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2015 йил 21 августдаги ҳукми билан Г.Каримованинг Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 165, 167, 179, 184, 227 моддалари бўйича айбдор деб топилгани ва унга 5 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси

тайинланганини маълум қилган эди.

Айни баёнотда Бош прокуратура, “Г.Каримовага нисбатан уюшган жиноий гуруҳга жиноятларни содир этишга кўмаклашиш ҳолатлари бўйича алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари давом” этирилаётганини ҳам билдирган эди.

Швейцарияликларга юборилган расмий мактуб, ушбу тергов ҳаракатларининг якунига етиб, ишнинг маҳкамага оширилганини тахмин қилишга асос беради.

Аmmo ҳозирча Ўзбекистон Бош прокуратураси жамоатчиликка бу жараёнга оид бирор маълумот очиклагани йўқ.

27 октябрь куни Бош прокуратура матбуот хизмати телефон рақамига қилинган кўнғирокларга ҳеч ким жавоб бермади.

ЎХХ хабарлар бўлими

RSF: Қамалган журналист тақдири Мирзиёев ҳукумати учун имтиҳондир

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Париждаги Чегара билмас мухбирлар ташкилоти (RSF – Reporters sans frontiers) Ўзбекистон ҳукуматидан бир ой аввал конституциявий тузумни ағдариш айблови билан ҳисбга олинган журналист Бобомурод Абдуллаевни озод этишга чақирган. Абдуллаев бир ойдан буён Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ертўласида ҳибсда қолмоқда ва у бу давр ичида яқинлари ва адвокатига кўрсатилмади. Абдуллаев 10 йилдан 20 йилгача муддатларга қамалиши мумкин.

Чегара билмас мухбирлар ташкилоти 27 октябрь куни эълон қилган баёнотида Бобомурод Абдуллаевнинг тақдири Ўзбекистоннинг аввалги қаттол раҳбари Ислоҳ Каримовникидан кескин фарқ қилувчи сиёсат йўлини тутган Шавкат Мирзиёевнинг янги ҳукумати учун бир имтиҳон бўлиши айтилади.

“Сабаби Бобомурод Абдуллаев Мирзиёев президентлиги даврида қамалган илк журналистдир”, – дейилади Чегара билмас

мухбирлар ташкилоти баёнотида.

Ташкилот Бобомурод Абдуллаев қийноқларга солинаётган бўлиши мумкинлигидан хавотир билдирган.

“Ўзбекистон ҳукуматини Бобомурод Абдуллаевни озод этишга ва унинг хавфсизлиги ва ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқларини кафолатлашга чақирамиз”, – деди Чегара билмас мухбирлар ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё дастури раҳбари Йохан Бихр.

44 ёшли журналист Бобомурод Абдуллаев “Фарғона ру” нашри мухбири бўлган ва спорт шарҳловчиси сифатида ҳам танилган журналистдир.

У 27 сентябрь куни таъмирга берган машинасини устхонадан олиш учун уйдан чиқиб кетганича йўқолиб қолган.

Орадан бир кун ўтиб, унинг Тошкентдаги “Гвардейский” номи билан билинган Миллий Хавфсизлик хизматининг изоляторидида экани маълум бўлди.

1 октябрь куни Тошкент шаҳрининг Юнусобод туман суди журналистга нисбатан Жиноят Кодексининг 159-банд 4-қисми

билан айблов эълон қилди.

Журналист расман 2011 йилдан “Усмон Ҳақназар” имзоси остида “амалдаги тузумни ўзгартиришга чақирувчи” мақолалар чоп этиш ва Ўзбекистонда “инқилоб қилиш”га уринишда гумонланмоқда.

Бобомурод Абдуллаевнинг оиласига ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилиши лозим бўлган адвокатига у билан учрашишига рухсат берилмади.

Бундан аввал Журналистларни ҳимоя қилиш кўмитаси, Халқаро Пен клуб, Human Rights Watch ташкилотлари ҳам Бобомурод Абдуллаевни озод қилиш талаби билан чиққанди.

Amnesty International журналист ҳаёти хавф остида деган баёнот эълон қилган.

Бобомурод Абдуллаев Тошкентда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳомийлигида ўтказилган “Марказий Осиёда очик журналистика” халқаро конференцияси арафасида ҳибсга олинди.

Чегарабилмас мухбирлар ташкилоти “Президент Мирзиёев ислохотлари пайдо қилган умидлар силсиласида Бобомурод Абдуллаевнинг кейинги тақдири имтиҳон бўлади”, дея билдирди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Бобомурод Абдулла (Усмон Ҳақназар)ни МХХ ҳибсга олиб, ўзбек жамоатчилиги ижтимоий саросима кечираётган илк кунларда бир укамиз менга фэйсбукдан шундай мазмунда хат йўллади: “Ассалому алайкум ака! “Алвидо капалаклар” деган мақолангиз менга дўстларни танлашда ёрдам берди. Бобомуродни (Ҳақназаров эканлигини) очиклаганингиз эса, душманни аниқлашда қўл келди. Мен танланган дўстларга таклиф юбордим. Душманларни эса блоклаб ташладим!”

Чиндан ҳам, ижтимоий саҳнада дафъатан пайдо бўлган воқеалар жамиятни дарров илгика ва ёки учга бўлиб ташлайди.

Инсонлар маънавий, сиёсий ва иймоний жиҳатдан дарҳол синфларга ажралади. Қўпол қилиб айтганда, уларнинг сараги-саракка, пучаги-пучакка чиқади.

Узоқ йиллар давомида инсонлар наздида оддий спорт таҳлилчиси бўлиб юрган бир киши кутилмаганда тоталитар тузумга якка ўзи курашган бир афсонавий шахс ўлароқ қаршимизда пайдо бўлса, бу кўпларни довдиратиб қўяди. “Бобомурод Абдулла воқеаси” айнан шундай зухур этди.

Бу воқеанинг ҳам – бошқа катта воқеалар каби – теварагида пайдо бўлган миш-миш, тахмин ва ғийбат оқинтилари ўша юқорида эслатганимиз синфларга ажралган қатламлардан кела бошлади.

Ҳеч нарсани англамаган бўлса ҳам, ғайрат билан воқеа “таҳлили”га шўнғиган баъзилар Бобомурод Абдулланинг хаёти учун эмас, унинг баҳонасида, ўз душманларига ҳужумни бошлаб юборишди. Бу шайтанат аҳлининг кўпчилиги Бобомурод исмини илк эшитиб турган бўлса-да, “Бобомуродни сотдилар!”, дея фарёд чека бошладилар.

Иккинчи гуруҳ, истибдод даврининг бутун зиллатини яшаган инсонлар ўз сафидан яна бир курбон бериб, қайғуга ботган холда, қийноққа солинаётган фикрдош биродарини кутқариш учун бир нарсалар қилишга ҳаракат эта бошладилар.

Бу гуруҳларнинг ҳар бирида диндорлар ҳам бор, дунёвийлар ҳам бор, улар эътиқод жиҳатидан эмас, ахлоқий жиҳатидан бири-бирига тўғри келганлари учун бир гуруҳда тўпланганлар.

Диндор ҳам, атеист ҳам бир позицияда туриб ҳаракат қилиши мумкинлигини “Бобомурод

Жиннат сувидан ичган оломон ҳақда

воқеаси” яққол кўрсатди. “Бобомуроднинг Ҳақназаров эканини айтиб, уни сотдилар”, дея ҳайкираётганлар бунинг ёрқин мисолидир.

Қизиғи шундаки, бу кимсаларнинг баъзилари ўзларини ҳукуматга муҳолиф билиб, гуё “ҳижрат” қилган чаламуллалардир.

Баъзилари сиёсий муҳолифман деб сиёсий бошпана олган “дунёвий арбоб”лардир.

Яъни “атеист” ва “диндор” ахлоқсизлик позициясида бирлашиб, “умум душман”га қарши жуда ҳамжиҳат курашмоқда.

Улар мустабид Каримов даврида нақадар ахлоқсиз бўлган бўлсалар, бугун Мирзиёев даврида ҳам айни савияда ахлоқсиздирлар.

Ҳа, Раҳбар ўзгарди, аммо булар ўзгаргани йўқ.

Бугунгача халқни назоратда тутиш, уни исталган тарафга йўналтиришда каримов режимининг энг эффектив курали Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) деб талқин қилиб келди кўпчилик, аммо бу тасбит қисман тўғри эди. Агар юқорида тасвирланган шайтанат аҳли МХХ га ёрдам бермаганида эди, МХХ бу қадар кучли бўлаолмасди.

Агар сиёсий онги паст, моддий ва маънавий жиҳатдан фақир бўлган бу ижтимоий қатлам ўрнига, шуурли, сиёсий маданият соҳиби бир жамият бўлсайди, МХХ ҳатто давлат террори билан ҳам халқнинг иродасини синдираолмасди.

Биз Каримов режимининг 27 йиллик зулумотида энг катта йўқотишни маънавиятимизда бердик. Кўпчилик маънавиятнинг бу абгор ахволига сабаб ўлароқ асосан моддий фақирликни кўрсатадилар. Бу ҳам бир ёқлама талқин. Совет даврининг 30 йиллардаги қаҳатчилик ва очлик йилларини эсланг.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин бошланган қаҳатчилик даврини хотирланг. Ўша даврларда ҳам жамият бугунгидай маънавий йўқсиллашмаган эди.

Аёллар орасида беҳаёлик ва фоҳишаликнинг кенг ёйилишини, қариндош уруғ орасидаги меҳр-оқибатнинг озайишини, дўстлик ва шафқат ҳиссининг ўтмаслашганини ва ҳақозо инсонни

инсон қилган фазилатларнинг кун сайин йўқолиб бораётганини фақат моддий йўқсиллик билан изоҳлаш бирёқлама изоҳлаш бўларди.

Ҳатто бунга узоқ йиллар давомида ҳукм сураётган давлат террори ва истибдод ҳам ягона сабаб бўлаолмайди.

25 йилдир, нафас олаётганимиз ҳавода бир АБСУРД (ўзбекчасини тополмадим, узр), бир маънисизлик, мантиксизлик бор.

Одамлар худди охир замонда тилсимли дарёдан сув ичган сархуш оломон каби нигоҳлари туманли, дуч келганга ҳужум қилиш ҳирси билан яшашпти.

Ҳужумга учрашингиз учун сиз бировга ҳужум қилган бўлишингиз шарт эмас, йўлда ҳар қандай биттасига дуч келишингиз кифоя, шу заҳоти сизга ташланадилар, сизни парча-парча қиладилар ва яна йўлида давом этадилар!

Яна худди сизга ухшаган яна биттасини учратгунча тишларини ғижирлатиб йўлида давом этади бу сархуш оломон.

Оломонни тўхтатиб, “у одамни нега ўлдирдингизлар?”, деб сўралса, жавоб бераолмайди, илжайди, “ҳамма унга ташланди, биз ҳам ташландик”, дейди оломон илжайиб.

“Хўп, бу одамни танирмидингизлар?”, дейилса. “Қаердан таниймиз, аҳмоқмисан?”, дейди оломон.

Сиз ҳам ўзингиздан шубҳалана бошлайсиз, ўзингизга “мен ҳақиқатан ҳам аҳмоқман шекилли”, дейсиз ва оломондан узоқлашасиз.

Сиз оломонга аҳмоқ бўлиб кўринмаслик учун ўша тилсимли дарёдан ичишингиз керак.

Сизга АБСУРД – ҳикмат бўлиб кўриниши учун, жиноят – ҳидоят бўлиб кўриниши учун ўша тилсимли сувдан ичишингиз шарт.

Сиз у тилсимли дарёдан ичмагунча ёки ёлғизликка, ёки оломон тарафидан тилка-пора қилинишга маҳкум бўлиб қолаверасиз!

Назаримда, фақат Ўзбекистон эмас, бутун дунё аҳли секин-аста шу икки тоифага ажралашпти: тилсимли дарёдан сув ичган тоифа ва ичмаган тоифа.

Даҳшат ичида шуни кўриш мумкинки, тилсимли сувдан ичган тараф ичмаган тарафдан кўпроқ ва кучлироқ!

Бугунги технология инсонларнинг шу икки тоифага

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдиги саҳифада)

ажралиш жараёнини янада тезлаштирди.

Айниқса, интернет.

Бу ўргимчак тўри қопламаган бирор макон йўқ дунёда. Интернет дунёда бир ШАЙТОНИЙ ТЕНГЛИК содир этди! Кўрқинчли бир Тенглик!

Интернетга кириб, Даҳо билан Аҳмоқ бемалол “бахс”лашадиган бўлди. Аҳмоқ ҳикмат соҳибига ақл ўргатадиган ва “ақл”ини олмаса, унга танбеҳ берадиган, танбеҳини тингламаса, уни энг ифлос сўзлар билан ҳақорат қиладиган бўлди.

Бу янги ҳолат мўминларга нақадар буюк имтиҳон эканлигини бутун вужудимиз билан ҳис қилиб турибмиз.

Гуё, Дажжол диний китобларда тасвирланган классик қиёфасида эмас, балки шу ушлаб бўлмас интернет саҳифаларида бош кўрсатаётган бир Глобал Маҳлуқ сифатида зоҳир бўлмоқда.

Бу Охир Замон белгиларини бошқа жойдан ахтараётган биродарларимизга бир эслатма холос.

Раббимиз бизнинг авлодни бир тарихий бурилиш даврида яратди ва – вояга етар етмас сиёсий пўртиналар кучоғига отди.

Қалбимизга ватан ишқини солди ва унинг озодлиги учун, қўлимизда ҳеч нарса бўлмаса ҳам, курашишга азм берди...

Ва бизни узун бир муддатга имтиҳон майдонига ҳайдади!

Худди Мусо алайҳиссаломнинг кавмига келган 40 йиллик ибтилоси бизнинг кавмига ҳам юборилдими, дея туйларимиз хурпаяди бу 27 йиллик зулм саҳросига қараб!

Биласиз, Мусо(а.с)нинг қавми Фиравндан кутилиб, кутлуғ тупроқларга кириш учун ўз жонини тикишдан кўрқди.

Оллоҳу Таоло бу кўрқоклиги учун уларни роппа-роса 40 йил саҳрода дарбадар кезишга маҳкум этгди. Бу 40 йилда янги бир авлод етишиб чиқиб, фақат уларгина Оллоҳ амр этган тупроқларга кириш жасоратини кўрсатди.

Наҳотки, биз ҳам янги авлод келиб бизни ватан тупроқларига киритишини кутиб ўтиришга маҳкум бўлсак?

Бу фикрни ҳазм қилиш 27 йилдир Ўзбекистондан узоқда сарсон кезаётган авлод учун жуда қийин!

Бу можорода хавфли бўлган тараф ватан тупроқларини ҳали ҳам эгаллаб ўтирган куфр сарқитлари

эмас, балки имтиҳон саҳросида дарбадар кезаётган қавм ичидаги иймони заиф, йўлбошчиси бир он узоқлашса, дарҳол Оллоҳни унутиб, олтиндан бузоқ ясаб олиб, унга топина бошлайдиган гуруҳ – кофир ҳукмдордан хавфлироқ душмандир.

Бу гуруҳ ҳам ўзларини мазлум деб билади, аммо мазлумларнинг тагига сув қуйиб, куфрнинг рамзи бўлган олтин бузоқ ясаб, унга мадҳиялар ўқийди ва топинади.

Бизнинг мисолимизда бу гуруҳ Оврупо ва Шимолий Американинг турли минтақаларида сочилиб кетганига қарамай, қабих ишларини ажабланарли бир шаклда ҳамжихатлик (синхрон) билан адо этишяпти.

Бу ҳолат бир Турк шоирининг “Агар тўғри инсонлар ҳам аблахлар каби ғайратли бўлишса эди, дунё бошқача бўларди”, деган вағиз иборасини эсга солади.

Ўша эслатганимиз “тилсимли дарё”дан сув ичган сархуш оломон “жаннатни гарантия қилдим”, деб нафсига қул бўлган жоҳил “динчи”лар ва ўзларини “дунёвий” деб атаб, динимизга хужум қиладиган калтабинлар қоришмасидир.

Улар ташқаридан караганда эътиқод нуқтаи назаридан бири-бирига зид, аммо амал тарафидан айна истиқоматда ҳаракат қиладиганларнинг оломонидир.

Бу оломон халқимизнинг бошига тушаётган бутун кулфатларни озиклантириб турадиган бир куч (энергия) манбаидир. Бу оломон халқ номидан гапиришга мойил, керак бўлса, ўзини халқ ўрнига қўйишдан ҳам чекинмайдиган андишасиз бир маҳлуқотдир.

Хуллас, Ўзбекистонда раҳбар ўзгарди, бу оломон ўзгармади.


Ўзбекистонда раҳбар ўзгарди, жамият ўзгармади.

Ўзбекистонда раҳбар ўзгарди, режим ўзгармади.

Ўзбекистонда раҳбар ўзгарди, аммо биз ўзгармадик.

Аллоҳу Таоло ўзининг Китобидаги “РАД” сурасининг 11-оятда “Албатта, то бир қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас”. дея буюради,

Эски ҳақиқатга яна бир бор қайтамиз: раҳбарни ўзгартариш етмас экан, ишни ўзимиздан бошлашимиз керак!



Ўзбекистон паспорти дунё рейтингда нечанчи ўринда?

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Passportindex.org сайти 25 октябр куни эълон қилган рейтингга кўра, Ўзбекистон паспорти “кучи” бўйича 72-ўринни эгаллаган.

Ҳисоботда Ўзбекистон паспорти билан 54 давлатга визасиз сафар қилиш мумкинлиги айтилади.

Марказий Осиё давлатларида энг кучли паспорт сифатида — Қозоғистон паспорти қайд этилган.

Қозоғистон паспортига эга фуқаролар дунёнинг 71та давлатига визасиз бора олишлари айтиб ўтилган.

Таққослаш учун, Қирғизистон паспортига эга фуқаролар визасиз 58та давлатга бориш имконига эга бўлсалар, Тожикистон ва Ўзбекистон паспортлари соҳиблари — 54та давлатда бўла оладилар.

Ушбу рейтингнинг биринчи ўрнини Сингапур эгаллаган.

Сингапур фуқаролари визасиз тартибда дунёнинг 159та давлатида бўлиш имкониятига эгалар.

Рейтингнинг иккинчи поғонасини эса Германия (158) ва учинчи ўринни Швеция (157та давлат) эгаллади.

2017 йилнинг куч жихатдан қуйи поғонани эгаллаган паспорти эса — Афғонистон паспорти эканлиги маълум қилинган.

Афғонистон фуқароси паспортига эга шахслар атиги 22та давлатга визасиз бора олишлари мумкин.

Тошкентда Туркия бизнес маркази очилади

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Тошкентда Турк бизнес маркази очилади. Бу ҳақда Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг Истанбулда турк молиячилари ва корчалонлари билан учрашувида айтилди.

Икки кунлик давлат ташрифи билан Туркияга борган Ш.Мирзиёев 26 октябрь куни Истанбул шаҳрида бош вазир Бинали Йилдирим билан учрашди, сўнгра турк ишбилармонлари билан суҳбат курди.

Шу куннинг ўзида Истанбулда Ўзбек-турк бизнес форуми бўлиб ўтди ва унда умумий қиймати 3,5 млрд га тенг бўлган 30 қўшма лойиҳани амалга ошириш бўйича шартномалар имзоланди.

Бундан бир кун аввал Ш.Мирзиёев Анқарада Туркия президенти Эрдоғон билан музокаралар олиб борган ва мазкур музокаралар якунида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича 20 дан зиёд ҳужжатга қўл қўйилганди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Рухсат берилмаган ҳар қандай намойиш бостирилади

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистонда шаҳар маъмуриятининг махсус рухсатномасиз одамларнинг оммавий тўпланиши тақиқланган.

Nuz.uz сайтининг хабар қилишича, Тошкент шаҳар Ички Ишлар Бошқармаси қонуннинг ҳар қандай шаклда бузилиши бартараф этилиши ҳақида огоҳлантирган.

Тошкент ИИБси бошлиғининг ўринбосари Дониёр Тошхўжаев сўзларига кўра, бундай санкцияланмаган акциялар пайтида одамлар хавфсизлигини таъминлаш қийин бўлгани учун ҳеч бўлмаса тахминан қанча одамнинг тўпланишини олдиндан билиш зарурдир. Дониёр Тошхўжаев бу ҳақда Тошкентда бўлиб ўтган матбуот йиғини чоғида журналистларга маълум қилган.

Унинг маълум қилишича, оммавий намойиш уюштироқчи бўлганлар Тошкент шаҳар ҳокимиятига олдиндан ёзма равишда мурожаат қилишлари шарт.

ЎХХ хабарлар бўлими

Шундай қилиб, Ислом Каримовга бағшланган портал ишга тушди. Бу золимнинг биографиясини ўқиркан, гўёки у муқаддас ва буюк курашчи каби унинг бутун ҳаёт тарихи безатилганидан беихтиёр ҳайратга тушасан киши. Бу бир кишининг халқ бахтиёрлиги ва дунёдаги адолат учун кураши тарихи – мана қандай қилиб афсона ва мифлар яратилар экан.

Безатилган ёлғон

1991 йилдан сўнг вояга етган ва 27 йил давомида Ислом Каримов якка ҳокимлиги даврида тарбияланган янги авлод бу шахсиятни ўзига шу даражада сингдирдики, натижада уларни зомби авлод деб аташ мумкинлигидан ажабланмаса ҳам бўлади. Ҳар доим ҳам ёрқин ва ижобий лаҳзалар йўқлигига қарамай, президентга бошқа тарафлардан ҳам назар ташлаш мумкин ва лозим эканлиги ҳақидаги сўзларни бу одамлар эшитишни ҳам хоҳлашмайди – улар учун бир муқаддас санам, бир масих, яримхудо бор ва улар албатта унга ибодат қилишлари лозим.

Ва бу афсоналар мияларни ювиш учун – сиёсий ва психологик асослардир. Ва барчаси гўёкм худди шундай бўлганлигини, ёзилганлар ҳақиқатни акс эттиришини тасдиқловчи “тувоҳлар”, айтиш мумкинки хаворийлар доим топилади. Гарчи бу йилларда Ислом Каримов ёнида, у қилган ишларга нисбатан бошқача нуқтаи назарга эга кишилар ишлаган ва яшаган.

“Тараққиётнинг ўзбек модели” деб аталувчи модел шакллантирувчиси мамлакатни “учинчи дунёга” айлантирди ва бунга далил сифатида нафақат кенг тарқалган коррупция ва соя иқтисодиёти, уч миллион гастербайтерлар, куч ишлатар тизимларнинг қатағонлари, сармоя ва ҳорижий компанияларнинг қочиши, шунингдек кланчилик, қариндош-уруғчилик, зомби-тарғибот, инсон ҳуқуқлари

ва эркинликнинг йўқлиги, Конституциянинг бузилишини мисол қилиш мумкин. Асосий қонун бу – ҳеч нарсани англамайдиган қоғоз варағи ва ҳеч қандай юридик ва сиёсий кучга эга бўлмаган матн эканлигини Ислом Каримов кўрсатди.

Безатилган автобиографияда Ислом Каримов социалистик тизимга қарши туради, аммо

айни пайтда у бунинг янги шаклда қайта форматлаб, тизимга паразитик бўлган кланчилик ва коррупциявий характер беради. Совет ҳукумати даврида ижобий деб ҳисоблаш қабул қилинган нарсалар бир зумда ғойиб бўлди ва ўрнига ҳукуматга, ҳеч қандай жавобгарликсиз тарзда миллий бойликларнинг охириги бўлақларини талаб кетган ўғрилар, жаллодлар келди.

Бу нарсалар, фақатгина Ўзбекистон Бош прокуратураси маълумотларига кўра 3 миллиард доллар ўғирлаганлиги айтилган, Гулнора Каримова мисолида яққол кўзга ташланади. Ваҳоланки бутун оила ўғирлаган эди ва ҳозирда ҳам ўғирляпти. Қолаверса Каримовлар ёлғиз эмасди – улар билан биргаликда ҳукумат тепасида мамлакат “қонини” яна юзлаб, минглаб паразитлар сўришди.

Мен “Автобиография” номи остидаги катта “меҳнатни” муҳокама қилиб ўтирмайман. Бу мантиқсиз ва бефойда. Соғлом ва оқилона фикр юритган киши бу тарихнинг безатилганини дарров кўради, ўзига муқаддас санам керак бўлган одамлар эса бундан кейин ҳам уларни қўл қилган шахсга бошларини эгиб юраверишади.

**Sher October
facebook.com**

<p>“ERKIN YURT” интернет-газетаси Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий нашри www.uzxalqharakati.com/erkinyurt Мухаррир: Нурбек Саломов</p>
--